


Ўзбекистон Республикасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2025 йил январь-декабрь ойлари учун

- I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми
- II. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида
- III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш
- IV. Чорва моллари ва паррандалар бош сони
- V. Услубий тушунтиришлар

I. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми **538 919,7** млрд сўми, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – **518 822,7** млрд сўми, ўрмон хўжалиги – **15 081,5** млрд сўми, балиқчилик хўжалиги – **5 015,5** млрд сўми ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати



II. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми

Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг 2024 йилга нисбатан ўсиш суръати таҳлил қилинганда, юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (**106,9 %**), Фарғона (**105,6 %**), Хоразм (**104,9 %**), Қорақалпоғистон Республикаси (**104,9 %**), Андижон (**104,7 %**) ва Навоий (**104,7 %**) вилоятларида қайд этилди.

Бошқа ҳудудларга нисбатан Самарқанд (**103,3 %**), Сурхондарё (**103,8 %**), Тошкент (**104,2 %**) ва Қашқадарё (**104,3 %**) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот
(хизмат)лари ҳажми ҳудудлар кесимида**

	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	538 919,7	104,4
Қорақалпоғистон Республикаси	21 623,8	104,9
Андижон вилояти	53 525,8	104,7
Бухоро вилояти	48 312,9	104,3
Жиззах вилояти	36 543,6	104,4
Қашқадарё вилояти	52 092,0	104,3
Навоий вилояти	25 405,8	104,7
Наманган вилояти	41 994,2	104,4
Самарқанд вилояти	60 758,2	103,3
Сурхондарё вилояти	42 272,0	103,8
Сирдарё вилояти	19 157,2	106,9
Тошкент вилояти	52 857,7	104,2
Фарғона вилояти	49 733,5	105,6
Хоразм вилояти	34 643,0	104,9

III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **508 711,1** млрд сўмни ёки 2024 йилга нисбатан **104,4 %** ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари **243 007,7** млрд сўмни (**107,2 %**), чорвачилик маҳсулотлари **265 703,4** млрд сўмни (**101,6 %**) ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (**57 963,3** млрд сўм), Андижон (**50 263,3** млрд сўм), Қашқадарё (**49 950,0** млрд сўм) ва Тошкент (**48 794,1** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча, кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё (**17 263,2** млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (**19 932,0** млрд сўм) ва Навоий (**23 574,3** млрд сўм) вилоятларини келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (**107,0 %**), Фарғона (**105,5 %**), Хоразм (**104,9 %**) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (**104,9 %**) қайд этилди.

Самарқанд (**103,2 %**), Сурхондарё (**103,7 %**) ҳамда Қашқадарё (**104,1 %**) вилоятларида эса бошқа ҳудудларга нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилди.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **62,3 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **29,4 %**и фермер хўжаликларига, **8,3 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш


	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	243 007,7	107,2
Қорақалпоғистон Республикаси	8 970,1	110,1
Андижон вилояти	29 236,8	106,8
Бухоро вилояти	21 282,7	107,5
Жиззах вилояти	13 393,8	112,4
Қашқадарё вилояти	18 294,6	109,4
Навоий вилояти	7 318,0	107,6
Наманган вилояти	21 348,7	105,2
Самарқанд вилояти	28 165,4	104,4
Сурхондарё вилояти	19 725,1	103,8
Сирдарё вилояти	9 773,4	113,5
Тошкент вилояти	23 139,9	104,5
Фарғона вилояти	28 198,4	109,0
Хоразм вилояти	14 160,8	109,7



Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари,
2025 йил январь-декабрь

	Миқдори, минг тонна	Ўсиш (камаиш) суръати, % да
Донли экинлар	10 112,1	113,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	7 657,3	107,6
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 284,1	176,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 170,7	106,4
Картошка	4 160,2	100,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 216,3	113,9
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	2 805,5	94,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	138,4	134,0
Сабзавотлар	13 722,8	101,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	4 984,0	110,4
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	7 955,2	94,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	783,6	130,5
Полиз экинлари	3 299,8	116,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 744,7	112,9
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 346,6	118,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	208,5	136,9
Мева ва резаворлар	3 479,6	106,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 706,3	113,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 607,5	99,8
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	165,8	106,5
Узум	1 983,0	107,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	955,7	110,6
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	951,7	103,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	75,6	122,4

Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2025 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, донли экинлар етиштиришнинг **75,7 %**и фермер хўжаликлари ҳиссасига, **12,7 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **11,6 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

2025 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари (минг тонна)

	Донли экинлар	Картошка	Сабзавотлар
Ўзбекистон Республикаси	10 112,1	4 160,2	13 722,8
Қорақалпоғистон Республикаси	393,3	113,0	419,1
Андижон вилояти	788,7	530,7	2 089,2
Бухоро вилояти	761,7	306,0	1 190,5
Жиззах вилояти	892,4	126,6	559,0
Қашқадарё вилояти	954,6	230,1	663,9
Навоий вилояти	308,3	131,0	413,0
Наманган вилояти	831,9	420,3	1 163,9
Самарқанд вилояти	1 016,4	773,6	1 686,1
Сурхондарё вилояти	888,3	394,5	1 451,7
Сирдарё вилояти	635,3	74,9	352,9
Тошкент вилояти	770,0	416,3	1 380,4
Фарғона вилояти	1 147,0	480,0	1 616,0
Хоразм вилояти	724,2	163,2	737,1

Маҳсулот турлари бўйича кўрадиган бўлсак, картошканинг **29,2 %**и фермер хўжаликлари, **67,5 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **3,3 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, шунингдек, сабзавотларнинг **36,3 %**и фермер хўжаликлари, **58,0 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **5,7 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, полиз экинларининг **52,9 %**и фермер хўжаликлари, **40,8 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **6,3 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, мева ва резаворларнинг **49,0 %**и фермер хўжаликлари, **46,2 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **4,8 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, узумнинг **48,2 %**и фермер хўжаликлари, **48,0 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **3,8 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

**2025 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган айрим турдаги
деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми (минг тонна)**

	Полиз экинлари	Мева ва резаворлар	Узум
Ўзбекистон Республикаси	3 299,8	3 479,6	1 983,0
Қорақалпоғистон Республикаси	236,8	80,0	16,2
Андижон вилояти	269,4	751,9	92,1
Бухоро вилояти	240,4	313,0	241,4
Жиззах вилояти	430,6	111,2	38,4
Қашқадарё вилояти	286,3	215,2	131,7
Навоий вилояти	116,2	114,0	99,4
Наманган вилояти	183,2	416,2	167,3
Самарқанд вилояти	185,4	408,4	696,9
Сурхондарё вилояти	379,7	194,8	94,4
Сирдарё вилояти	417,8	51,6	18,7
Тошкент вилояти	98,1	160,4	102,3
Фарғона вилояти	259,3	473,0	229,1
Хоразм вилояти	196,6	189,9	55,1

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари ҳажми **265 703,4** млрд сўмни ёки 2024 йилга нисбатан **101,6 %** ни ташкил қилди.

Худудлар кесимида чорвачилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Қашқадарё (**31 655,4** млрд сўм), Самарқанд (**29 797,9** млрд сўм), Бухоро (**25 833,9** млрд сўм), Тошкент (**25 654,2** млрд сўм) ва Жиззах (**21 429,6** млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Аксинча, кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (**7 489,8** млрд сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (**10 961,9** млрд сўм) ва Навоий вилоятини (**16 256,3** млрд сўм) келтириб ўтиш мумкин.



Юқори ўсиш суръатлари Тошкент (**103,8 %**), Сурхондарё (**103,6 %**), Наманган (**103,1 %**), Навоий (**103,2 %**) вилоятларида қайд этилди.

Кўриб чиқиладиган даврда тирик вазнда етиштирилган гўшт ҳажми 2024 йилга нисбатан **101,5 %**, соғиб олинган сут **101,2 %**, олинган тухум **107,0 %**, қирқиб олинган жун **104,1 %**, олинган қоракўл тери **104,4 %** ҳамда овланган балиқлар **103,4 %** ни ташкил қилди.

Етиштирилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари ва овланган балиқлар

	Миқдори	Ўсиш (камайиш) суръати, % да
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	2 987,5	101,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	225,1	119,2
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	2 428,5	98,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	333,9	119,5
Сут, минг тонна	12 591,2	101,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	919,9	122,1
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	11 402,8	99,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	268,5	134,9
Тухум, млн дона	9 483,0	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1 622,1	116,8
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	4 967,6	101,5
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2 893,3	112,1
Жун, тонна	41 485	104,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	5 339	109,1
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	33 368	102,7
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2 778	111,9
Қоракўл тери, минг дона	1 418,0	104,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	165,1	110,5
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	1 109,2	103,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	143,7	106,8
Балиқ, минг тонна	206,2	103,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	116,7	108,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	11,4	104,0
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	78,1	96,7

2025 йил январь-декабрь ойларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, етиштирилган гўштнинг умумий ҳажмидан **7,5 %**и фермер хўжаликлари ҳиссасига, **81,3 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **11,2 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

Шунга мос равишда соғиб олинган сутнинг **7,3 %**и фермер хўжаликлари, **90,6 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **2,1 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, олинган тухумнинг **17,1 %**и фермер хўжаликларига, **52,4 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **30,5 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Шунингдек, қирқиб олинган жуннинг **12,9 %**и фермер хўжаликлари, **80,4 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **6,7 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ташқари, олинган қорақўл терининг **11,7 %**и фермер хўжаликларига, **78,2 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **10,1 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

Ўз навбатида, овланган балиқларнинг **56,6 %**и фермер хўжаликларига, **5,5 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **37,9 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келганлигини қайд этиш лозим.

**2025 йил январь–декабрь ойларида етиштирилган асосий турдаги чорвачилик
маҳсулотлари ва овланган балиқлар**

	Гўшт (тирик вазнда) (минг тонна)	Сут (минг тонна)	Тухум, млн дона	Балиқ (минг тонна)
Ўзбекистон Республикаси	2 987,5	12 591,2	9 483,0	206,2
Қорақалпоғистон Республикаси	130,3	470,7	425,0	14,0
Андижон вилояти	207,0	1 126,9	874,3	22,3
Бухоро вилояти	319,1	1 146,0	602,3	6,7
Жиззах вилояти	244,9	719,5	423,3	12,5
Қашқадарё вилояти	347,0	1 395,0	583,8	4,6
Навоий вилояти	203,0	584,5	482,3	10,2
Наманган вилояти	185,9	815,6	812,8	20,0
Самарқанд вилояти	332,8	1 468,3	1 399,6	20,6
Сурхондарё вилояти	226,3	991,6	631,7	7,8
Сирдарё вилояти	80,6	419,5	243,0	11,8
Тошкент вилояти	320,3	1 095,4	1 754,1	23,4
Фарғона вилояти	196,1	1 207,5	728,2	16,4
Хоразм вилояти	194,2	1 150,7	522,6	35,9

IV. Чорва моллари ва паррандалар бош сони

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар сони **14 522,8** минг бошга (2025 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **0,9 %** га кўп), сигирлар **5 154,4** минг бошга (**0,3 %** га кўп), қўй ва эчкилар **24 970,2** минг бошга (**1,4 %** га кўп), отлар **299,6** минг бошга (**5,9 %** га кўп), паррандалар **118 652,6** минг бошга (**10,6 %** га кўп) етди.

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжалиklar тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Миқдори, минг бош	Ўсиш (камаиш) суръати, % да
Йирик шохли қорамоллар	14 522,8	100,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1160,9	106,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	13 019,4	100,3
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	342,5	105,2
шундан сигирлар	5 154,4	100,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	487,6	109,0
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	4 534,7	99,4
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	132,1	100,7
Қўй ва эчкилар	24 970,2	101,4
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	4 141,8	104,7
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	18 794,7	100,1
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2 033,7	107,3
Отлар	299,6	105,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	76,8	104,3
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	196,8	105,6
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	26,0	113,9
Паррандалар	118 652,6	110,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	20 514,7	107,6
деҳқон ва томорқа хўжаликлари	48 516,6	100,2
қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	49 621,3	124,9

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг **8,0 %**и фермер хўжаликлари ҳиссасига, **89,6 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **2,4 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Мос равишда сигирларнинг умумий сонидан **9,4 %**и фермер хўжаликларига, **88,0 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **2,6 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан **16,6 %**и фермер хўжаликларига, **75,3 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **8,1 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, отларнинг умумий сонидан **25,6 %**и фермер хўжаликларига, **65,7 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **8,7 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди, паррандалар умумий сонидан **17,3 %**и фермер хўжаликларига, **40,9 %**и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, **41,8 %**и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

**2026 йилнинг 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар
бош сони, минг бош**

	Йирик шохли қорамоллар	шундан сигирлар	Қўй ва эчкилар	Паррандалар
Ўзбекистон Республикаси	14 522,8	5 154,4	24 970,2	118 652,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1 265,2	361,9	1 253,8	5 744,6
Андижон вилояти	1 182,1	410,1	1 600,6	15 468,2
Бухоро вилояти	1 404,0	460,5	2 591,5	8 830,5
Жиззах вилояти	995,6	276,8	2 435,1	4 219,3
Қашқадарё вилояти	1 795,6	598,7	5 231,9	7 404,6
Навоий вилояти	561,6	227,2	2 559,9	3 837,3
Наманган вилояти	800,6	266,3	868,2	7 913,1
Самарқанд вилояти	1 777,4	758,4	2 753,4	16 076,9
Сурхондарё вилояти	1 101,0	402,3	2 675,2	5 804,1
Сирдарё вилояти	521,4	187,5	421,0	6 019,5
Тошкент вилояти	1 012,6	424,2	1 112,0	20 000,2
Фарғона вилояти	1 109,6	405,0	959,1	9 332,9
Хоразм вилояти	996,0	375,5	508,6	8 001,3

VI. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича услубий тушунтиришлар

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариш ҳажми – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакультура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Деҳқон хўжалиги – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Моллар бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шундан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва. ҳ.к.)

Гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

Сут етиштириш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи соғиб олишга киритилмайди.

Тухум етиштириш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://lib.stat.uz/uz/features/qishloq-xo-jaligi-va-ekologiya/685-qishloq-o-rmon-va-baliqchilik-xo-jaligi-mahsulot-xizmat-lari-yalpi-ishlab-chiqarishini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom-2>

Тайёрлаш учун масъул:
Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит
статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63;

Алоқа учун: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1230)

